



КЎЧМАНЧИ ИМПЕРИЯЛАР ЗАИФЛАШУВИДА СИЁСИЙ ЭЛИТА ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ ЎРНИ (ТУРК ХОҚОНЛИГИ МИСОЛИДА)

Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли
т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Бухоро давлат университети
Я.Фулумов номидаги Самарқанд археология
институтини Бухоро филиали катта илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақола, кўчманчи империялар, хусусан, Турк Хоқонлиги мисолида, сиёсий элита трансформациясининг ўрни ва унинг заифлашувига таъсирини ўрганади. Мақола, турк кўчманчилигининг тарихий ривожини, ижтимоий-сиёсий тузилмасини ва элита стратификациясининг ўзгариши орқали сиёсий тизимнинг заифлашуви қандай юзага келганини таҳлил қилади. Шунингдек, ўзгарган сиёсий элита ва унинг қарорларининг кўчманчи империяларининг қулашига қандай таъсир қилганини кўриб чиқади. Мақола Турк Хоқонлиги мисолида сиёсий элита трансформациясининг омиллари ва унинг сиёсий тизимга таъсирини аниқлашга қаратилган.

Калит сўзлар: Кўчманчи империялар, Турк Хоқонлиги, Сиёсий элита, Элита трансформацияси, Империя заифлашуви, Ижтимоий-сиёсий тузилма, Кўчманчи жамият, Хоқонлар, Сиёсий тизим, Ташқи ва ички омиллар.

РОЛЬ ТРАНСФОРМАЦИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЭЛИТЫ В ОСЛАБЛЕНИИ КОЧЕВЫХ ИМПЕРИЙ (НА ПРИМЕРЕ ТЮРКСКОГО КАГАНАТА)

Аннотация. Настоящая статья исследует роль трансформации политической элиты и её влияние на ослабление кочевых империй, в частности, на примере Туркского каганата. В статье анализируется, как историческое развитие туркского кочевничества, социально-политическая структура и изменение стратификации элиты привели к ослаблению политической системы. Кроме того, рассматривается, как изменения в политической элите и её решения повлияли на падение кочевых империй. Статья направлена на выявление факторов трансформации политической элиты на примере Туркского каганата и их влияние на политическую систему.

Ключевые слова: Кочевые империи, Тюркского каганат, Политическая элита, Трансформация элиты, Ослабление империи, Социально-политическая структура, Кочевое общество, Каганы, Политическая система, Внешние и внутренние факторы.

THE ROLE OF POLITICAL ELITE TRANSFORMATION IN THE DECLINE OF NOMADIC EMPIRES (THE CASE OF THE TURKIC KHAGANATE)

Abstract. This article explores the role of political elite transformation and its impact on the weakening of nomadic empires, with a specific focus on the example of the Turkic Khaganate. The article analyzes how the historical development of Turkic nomadism, social-political structure, and changes in elite stratification contributed to the weakening of the political system. Furthermore, it examines how changes in the political elite and their decisions influenced the collapse of nomadic empires. The article aims to identify the factors of political elite transformation in the context of the Turkic Khaganate and their impact on the political system.

Key words: Nomadic empires, Turkic Khaganate, Political elite, Elite transformation, Empire weakening, Social-political structure, Nomadic society, Khagans, Political system, External and internal factors.

Адабиётлар таҳлили: Мақолада Шарқ манбаларида Турк хоқонликлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши, ҳарбий-сиёсий жараёнлари ҳамда давлат бошқаруви тизими бўйича кенг қамровли таҳлиллар олиб борилган. Тадқиқот жараёнида асосий манба сифатида Хитой йилномалари, араб ва форс тарихий манбалари, шунингдек, замонавий тарихий ва филологик тадқиқотлардан фойдаланилган. Liu Mau-tsai. ÇinkaynaklarınagöreDoğuTürkleri асари турк хоқонликларининг Хитой билан бўлган дипломатик муносабатлари ҳамда уларнинг сиёсий ва ҳарбий фаолиятини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу асар Шарқ манбаларининг ёндашувини таҳлил қилиш ва турк давлатларининг ташқи сиёсатини тушунишда катта аҳамият касб этади.

Н. Ахундованинг “Тюрки в системе государственного управления Арабского халифата” асари араб халифалигидаги туркларнинг роли ва уларнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятини таҳлил қилувчи қимматли тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Бу асар туркларнинг бошқарув тизимидаги мавқеини ёритиб бериши билан аҳамиятлидир. Н.Я. Бичуриннинг “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена” асари қадимги туркий халқлар тарихи бўйича энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу асарда Хитой йилномаларидаги маълумотлар йиғиндиси тақдим этилган бўлиб, у тарихий жараёнларни чуқурроқ англаш имконини беради. С.А. Васутиннинг турк каганатлари инқироzi ва Уйғур каганати ҳақида ёзган мақолалари (2011, 2014) ушбу давлатларнинг барқарорлиги ва таназзулига олиб келган омилларни комплекс таҳлил қилиш имкониятини беради. С.Г. Кляшторнй томонидан ёзилган “История Центральной Азии и памятники рунического письма” асари руник ёзув ёдгорликларининг тарихий аҳамиятини ўрганишга қаратилган бўлиб, турк хоқонликларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний эътиқоди ва маданияти ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади. Шунингдек, Ж. Латиповнинг “Хитанлар:

давлатчилик сари йўл” асари хитанларнинг давлат тизими ва уларнинг Марказий Осиё сиёсатидаги ўрнини ўрганиш учун муҳим манбалардан бири сифатида кўриб чиқилган.

Методологик жиҳатдан ушбу тадқиқотда тарихий-таққослаш усули, таҳлилий метод, манбашунослик ва сиёсий тарихий ёндашувлардан фойдаланилди. Хитой, араб ва форс манбаларини ўзаро таққослаш орқали турк хоқонликларининг сиёсий тарихи янада чуқур ўрганилиб, ҳар бир давр учун характерли бўлган ижтимоий ва ҳарбий жараёнлар ўрганилди. Мақолада шунингдек, туркий ёзма ёдгорликлар ва эпитафик манбалар асосида мустақил таҳлил ҳам олиб борилган. Юқоридаги адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, туркий давлатларнинг сиёсий тизими ва маданий тараққиёти Шарқ ва Ғарб тарихчилари томонидан турлича ёндашув билан ўрганилган бўлиб, уларнинг қўлланган методологияси тарихий жараёнларни кенг қамровда англаш имконини беради.

Кириш. Турк хоқонлиги ҳудуди бўйича Мўғуллар империясидан кейин иккинчи ўринда турадиган кўчманчи империя бўлиб ҳисобланади. Чингизхоннинг ҳарбий-сиёсий ташаббуси билан солиштирганда, хоқонликда ҳокимият камроқ марказлашган эди. Шунингдек, умумий бошқарув тизими йўқ бўлиб, хоқонликнинг ғарбий қисми автоном ривожланган. Ашина уруғи вакиллари ўртасида нисбатан тез ички қарама-қаршилиқлар пайдо бўлган ва бу фуқаролар уруши ҳамда хоқонликнинг икки мустақил давлатга бўлиниши билан якунланган. Лекин, умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ва шаҳар аҳолиси бўлган хоқонлик мулкларида бошқарувнинг илғор усулларино инобатга олган ҳолда, империя доирасида ҳокимиятни ташкил этишнинг мураккаблиги нуқтаи назаридан ҳудудий чегаралаш ҳақида гапириш мумкин. Давлат институтларининг мавжудлиги фақат қишлоқ хўжалигининг чекка ҳудудларига (империя ҳарбий-сиёсий марказининг жойлашуви нуқтаи назаридан) таъсир кўрсатган. Хоқонликнинг дашт қисмида бошқарув шакллари эса қисман ўзгарган. Хоқонликнинг марказида ўтиш даври сиёсий ва ижтимоий-маданий амалиётлари ҳукмронлик қилган. Марказий ҳукумат асосан қабила бошлиқлари ва йирик қабила бирлашмалари бошлиқлари бўлган шадлар ва тутуқлар билан мулоқотда бўлган. Шарқий Турк хоқонлиги мураккаблик сари ривожланган бўлиб, Шарқий Осиёда фаол сиёсий тузилма ҳисобланган. Лекин, у Хитойдаги янги қудратли империя (Тан сулоласи) билан рақобатга дош бера олмаган.

Иккинчи Турк хоқонлигида эса жараён бошқача характерга эга бўлган. Аниқроғи, Қапағон хоқон (691-716) Шарқий Туркистон, Жунғария, Етисув, Олтойни, Гоби жанубидаги Тан билан чегара чизигини, Ордос ва бошқа ҳудудларни ўз ичига олган ҳолда мустаҳкам Ўрта Осиё империясини тузишни идеал ҳолатда уддалай олмагач, Билга хоқон (716-734), Култегин ва Тўньюкуннинг кучлари асосий эътиборни хоқонликни янада мураккаб сиёсий тузилишга айлантиришга эмас, балки асосан исёнкор қабилаларни ўзига бўйсундиришга ва даштни тинчлантиришга қаратганлар. Бу, албатта, Билга хоқоннинг хоҳишига кўра амалга оширилган. Шаҳарсозлик ва кўчманчилар ўртасида буддизмнинг тарқалиши консерватив элита томонидан тўхтатилган. Умуман олганда айта оламизки, Биринчи хоқонликнинг Ғарбий ва Шарққа бўлиниши, кўзғолон ва ташқи ҳужумлар

натижасида ҳокимиятнинг тартибсизлиги кўчманчилар марказий ҳокимият аппаратининг қабилалар устидан назоратини йўқотиши ёки даштда янги кўчманчилар империяси пайдо бўлгунга қадар империянинг тугатилишига олиб келган.

Турк хоқонлигининг сиёсий тарихи тадқиқ қилинганда Хитой билан муносабатларнинг харақатига эътибор қаратиш, айниқса, муҳимдир. Дастлабки хоқонлар даврида даштга ипак ва дон жуда кўп миқдорда келганлигини таъкидлаб бўлмайди[6. 35]. Йилномаларда дастлаб Муғон хоқон (553-572)дан Ғарбий Вэй ва Чжоу ҳукмдорларига тухфалар жўнатилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган[4. 231]. Муғон хоқон даврида турклар Ғарбий Вэй (ўша пайтда Шимолий Чжоу) билан иттифоқчилик муносабатларига, Туюйхунь давлати ва Шимолий Ци сулоласига қарши биргаликда ҳарбий ҳаракатлар ташкил этишга эътибор қаратиб, масофадан туриб эксплуатация қилишдан кўра талон-тарождарни афзал кўрганлар. Фақат Таспар хоқон (572-581) даврида туркларнинг Хитой подшоликларига қарши босқинчилик сиёсати олиб бориши, ҳарбий кучларнинг марказлашуви ва сиёсий тизимнинг мураккаблашиши билан ўзаро муносабатларнинг янгича модели шаклланади. Турк хоқони ўз империясининг қудратини англаб, Хитойда ишлаб чиқарилган турли қимматбаҳо товарларга, энг аввало, ипакка эгалик қилишни истаган бўлиши мумкин. Шимолий Хитой подшоликлари туркларга, шу тариқа, турли маҳсулотларни “тухфа” тариқасида жўната бошлаганлар[4. 233]. Бу эса ўтроқ маданият маҳсулотларининг дашт минтақаларида иқтисодий эҳтиёжлар сифатида шаклланиши секинлик билан борганлигини кўрсатади.

Хоқонликнинг пайдо бўлиши ва Хитойнинг Суй ҳукмронлиги остида бирлашиши ўртасида чорак асрдан ортиқ вақт оралиғи мавжуд. Бундан ташқари, Суйнинг пайдо бўлиши билан даштдаги интеграция жараёнлари марказдан қочувчи жараёнларга ўз ўрнини бўшатган. 581-йилда Суй империясининг ташкил топиши билан деярли бир вақтнинг ўзида кўчманчилар империясининг икки хоқонликка бўлинишига сабаб бўлган инқирознинг пойдевори шаклланганлигини тасодифий бўлмаган, деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Шуниси эътиборга лойиқки, Хитой туркларга ипак ва бошқа обрўли товарлар билан ўлпон тўлашни тўхтатган ҳамда 584-йилдан Ишбара хоқон (581-587)га Суй империясига тобеликни тан олдирган [1. 516]. Аммо, Суй ҳукумати бу билан чекланиб қолмайди. Мўғулистоннинг ўзида аллақачон “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” сиёсатини олиб бормоқда эди. Бунинг натижасида қўғирчоқ хоқонлар пайдо бўлиб, Шарқий Турк хоқонлиги элитасининг бир қисми Хитой чегара ҳудудларига жойлашганлар ва Суйга қарам бўлиб қолганлар. Хитой йилномаларида тасвирланган Жангар хоқон (599-йилда Хитойда Шарқий хоқонлик раҳбари сифатида тан олинган, 603-609-йилларда реал ҳокимиятга эга бўлган) ва бошқа туркий қабила оқсоқолларининг хулқ-атвори Шарқий турк қабила зодагонларида ижтимоий-маданий мезонларининг бутунлай бузилганлигини кўрсатади[4. 243-245]. Айнан шу шаклда марказлашган Хитой империяси кўчманчиларни ўзига бўйсундириб, уларнинг кучли конфедерацияга бирлашишига тўсқинлик қилган.

Хитойнинг мустаҳкамланиши ва унинг юқори ҳарбий-сиёсий қудратга эришиши дашт аҳолиси учун қуйидаги оқибатларга олиб келган:

- даштда бир нечта зиддиятли гуруҳлар ташкил топган;
- хоқон бошчилигида гуруҳлар хитойпарастлик позициясини эгаллаганлар;
- қарам қабилаларнинг чиқишлари юз берган;
- Хитой ва Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорларининг мўғул даштларига бостириб

киришлари амалга ошган.

Натижада хоқонлик бошқарув тузилмаларининг ҳақиқий маънода йўқ қилиниши юз берди. Шуниси эътиборга молики, Шарқий хоқонликнинг вақтинча мустаҳкамланиши энг юқори марказлашув даврида эмас, балки Суй инқироzi ва Тан империясининг шаклланиши даврида содир бўлади. Бу ерда яна демографик кўрсаткичларга эътибор қаратиш лозим, унга кўра VII аср бошларида Хитой ҳақиқий демографик фалокатни бошдан кечирган. Деҳқон хўжаликлари сони 609-йилда мавжуд бўлган 9 миллиондан император Тайцзун даврида 3 миллионгача қисқарган[2. 277]. Хитойдаги демографик ва сиёсий инқирозларнинг уйғунлиги туркларга қисқа вақт ичида ўз гегемонлигини тиклашга имкон беради.

Бироқ, император Тайцзун даврида Тан сулоласи кучайиши хоқонликнинг тўлиқ мағлубияти ва туркларнинг Хитойга бўйсунishi билан якунланди. Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаш мумкинки, Биринчи Турк хоқонлиги мисолида биз қарама-қарши тарихий динамикани кузатамиз: хоқонликнинг кучайиши даврида кўчманчиларнинг Хитойга нисбатан босими Хитой подшолигининг интеграциялашувига ҳисса қўшди ва яхлит Хитой империясининг вужудга келиши туркий империянинг парчаланишига, кейинчалик Шарқий Турк хоқонлигининг тугатилишига олиб келди. Шундай қилиб, VII асрнинг 20-йиллари охири – 60-йилларида Тан империясининг кучайиши даштда янада кучли империянинг пайдо бўлиши ўрнига нафақат Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг мағлубиятга учрашига, балки кўчманчиларининг Хитойга қарамлигининг ўрнатилишига ҳам олиб келган. Хитойликлар 657-йилда Ғарбий хоқонлик пойтахти Суёб шаҳрини эгаллаганлар[3. 47]. Фақат Иккинчи Турк хоқонлиги даврида (айниқса, Қапағон хоқон даврида) Хитой ва дашт ўртасидаги муносабатларнинг “икки қутблилиги” ва кўчманчи империясининг қисқа муддатли ҳукмронлиги ҳақида гапириш мумкин. Аммо, Хитой ва Марказий Осиё кўчманчилари ўртасидаги барқарор қарама-қаршилиқнинг ўзаро таъсир тизими VI аср ўрталаридан VIII асрнинг бошларига қадар деярли мавжуд бўлмаган.

Шу ўринда айтиш лозимки, кўчманчи империяларнинг пайдо бўлиши кўпинча Мўғулистон даштлари, Олтой, Забайкале ва Манжурия тоғ этаклари аҳолисини бўйсундирган алоҳида қabila бирлашмаларининг ҳарбий-сиёсий мустаҳкамланиши натижасидир. Буюк Турк хоқонлиги вужудга келишида Хитойнинг бу жараёнга таъсири минимал эканлигини кўрсатади. Бу Хитой ёки алоҳида подшоликлар билан даштда ҳокимият учун даъвогарлар ўртасидаги иттифоқ ёки дипломатик муносабатларни истисно қилмайди. Аммо, истило ва бўйсунishi жараёнининг ўзи Хитой томонига умуман

боғлиқ эмас эди. Бироқ, кўчманчи уюшмаларнинг (Шарқий Турк ва Ғарбий Турк хоқонликлари, Сеянто каби) кулаши кўп ҳолларда Хитойнинг узоқ ўйланган сиёсати оқибати бўлган. VIII асрнинг 40-йилларида Иккинчи Турк хоқонлигининг кулаши Хитойнинг заифлашиши билан синхрон ҳодиса ҳисобланмайди. Аксинча, ўша пайтда император Сюаньцзун (712-756) даврида Хитой ҳали ҳам юксалишни бошдан кечираётган эди[10. 84]. Тан империясининг дашт минтақаларидаги таъсирининг сусайиши 751-йилда юз берган Талос жангидаги мағлубиятдан сўнг бошланади. Ўша йили шимоли-шарқий йўналишларда ҳам 100 минг кишилик империя армияси хитан қабилаларидан қакшатқич мағлубиятга учраган [11. 52]. Аммо, бу даврда Турк хоқонлиги ҳукмронлигига уйғурлар томонидан яқун ясашиб бўлинган эди.

Руник ёзувларда туркларнинг ўзлари империя кулаши сабабларини тушунишлари натижаси бўлган қуйидаги матнни топиш мумкин: “Улар (Бумин хоқон, Истами хоқон)дан кейин укалари хоқон бўлдилар, кейин ўғиллари хоқон бўлдилар. Шундан сўнг укалар (подшоҳликка) ўтирган акаларга ўхшамадилар, ўғиллар оталарига ўхшамадилар, ўйлаш керак, ақлсиз хоқонлар, уларнинг буюруқлари ҳам ақлсиз эди, кўрқоқ эди. Беглар ва халқнинг қинғирлиги (хоқонга бевафолиги) сабабли, алдоқчи табғачларнинг укаларни акалар билан, халқни беглар билан жанжаллаштирган алдов ва фитнаси оқибатида турк халқи шу вақтгача бор бўлган элини қўлдан чиқарди ва ҳукмронлик қилаётган хоқонининг ўлимга сабабчи бўлди”[7. 61-62]. Турк хоқонлигида ҳокимиятнинг заифлашуви элитанинг ҳар бир авлодида кучайиб борган тўқнашувлар ва ички низоларда қисман акс этган. Хоқонликнинг сиёсий тарихида ҳукмдорлик шон-шухрат ва хоқоннинг ғамхўрлиги сифатида талқин қилинган. Шундай бўлса-да, кўп компонентли ва кўп йўналишли жараён сифатида элитанинг ўзгариши империянинг емирилишида асосий омил бўла олмайди.

Айтиш жоизки, хоқонлик элитасининг ҳар бир авлодида ҳукмрон уруғнинг ҳокимият учун даъвогарлари сони кўпайган. Худди шундай ўзгаришларни дастлабки даврларда ҳам кўришимиз мумкин. 552-йилда вужудга келган империя деярли бир зумда Евросиё давлатига айланган. Муғон хоқон даврида империянинг қўшимча икки қаноти шаклланади. Таспар хоқон даврида эса ички тузилма мураккаблашиб, саккизта янги маъмурий тузилмалар пайдо бўлган. Кейинги авлодда эса фақатгина хоқон тахти учун камида бешта даъвогар бўлиб, маъмурий тузилмалар сони деярли икки баравар кўпайган. Кул-схўр битигида бешта тегин – тахт ворислари мавжуд бўлганлиги қайд этилган[9. 29]. Бу эса Иккинчи Турк хоқонлигида ҳам бошқарув билан боғлиқ бўлган хоқонликнинг нуфузли ижтимоий гуруҳлари ўсиб бораётганлиги ҳақида билвосита далиллардан биридир.

Марказий Осиё кўчманчи дунёсидаги сиёсий инқирозлар омилларини кўриб чиқаётганда, аҳолининг кенг кўламли ривожланишига таҳдид солган Хитойнинг ҳал қилувчи аҳамиятини ҳисобга олиш керак. Қолаверса, Хитой кўчманчилар учун ҳарбий-сиёсий таҳдиддан ташқари, Евросиё жаҳон тизимининг шарқий қисмида энг қудратли

цивилизация (марказ) ролини ўйнаганини, барча қўшни қишлоқ хўжалиги ва кўчманчи жамоаларга таъсир ўтказганини ҳам таъкидлаш лозим. Бу таъсир тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита ижтимоий-иқтисодий алоқалар тизими орқали атрофдаги халқлар ва қабила гуруҳлари элитасига ҳам фойдали (иқтисодий ўсиш), ҳам зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган. Биринчи Турк хоқонлиги мисолида Хитойнинг Суй сулоласи ҳукмронлиги остида бирлашиши, ўз навбатида, туркий империянинг бўлинишида халқилувчи ташқи сиёсат омилига айланган. Моҳиятан хоқонликнинг ғарби ва шарқидаги элиталарнинг жанубда жойлашган қишлоқ хўжалиги марказларига мослашишининг турли шакллари кўриш мумкин. Бу империянинг турли қисмларида жойлашган Ашина уруғи аъзолари ўртасида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарган [5. 62]. Ушбу тўқнашувларнинг натижаси қўшни қишлоқ хўжалиги жамиятларига нисбатан турли мақсадларга эга бўлган икки хил кўчманчи сиёсатнинг шаклланишига олиб келган.

Хулоса. Хуллас, хоқонликнинг инқирози, асосан, империя ижтимоий, маданий ва сиёсий нуқтаи назардан маълум бир интеграция чўққисига чиққанда содир бўлган. Аниқроғи, давлатда янги маданий анъаналар ва элита маданияти шаклланган. Шунингдек, давлатчилик элементлари ривожланиши билан ижтимоий тузилма янада мураккаблашган. Бу хоқонлик учун жуда муҳим бўлган маълум бир мураккаблик чегарасидан далолат беради. Одатда, аксарият кўчманчи империялар уни енга олишмаган. Истилочилик ёки ўтроқ аҳоли устидан ҳарбий-сиёсий назорат туфайли ривожланиш ва мураккаблашишга қодир бўлган ўша кўчманчи сиёсат потенциал инқироздан олдинги ҳолатда бўлиб, мунтазам равишда турли инқирозлар (элиталарнинг ҳаддан ташқари кўпайиши, фуқаролар уруши, ҳарбий ҳаракатлар оқибатлари)ни бошдан кечиради. Умуман олганда, хоқонликда жамиятни мустаҳкамлаш, кўчманчилар мақомини сақлаб қолиш ва элитанинг муайян ташқи ва ички шароитлари, кўчманчи армиянинг жанговар самарадорлигини сақлаб қолиш ички инқирозларни келтириб чиқарган ва бундай сиёсат давлатни ташқи рақиблар олдида ҳам заиф қилган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Liu Mau-tsai. Çin kaynaklarına göre Doğu Türkleri. – İstanbul: Selenge yayınevi, 2006. – 640 s.
2. Twitchett D., Wechsler H.J. Kao-tsung (reign 649-83) and the empress Wu: the inheritor and the usurper / The Cambridge History of China. Vol.3, Sui and T'ang China, 589-906, Part 1. – Cambridge: Cambridge University Press, 1979. – P.242-289.
3. Ахундова Н. Тюрки в системе государственного управления Арабского халифата (VIII – сер. X вв.). – Баку: “Елм”, 2004. – 374 с.
4. Бичурин (Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена / Т.1. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1950. – 384 с.

5. Васютин С.А. «...Тогда я привел в смятение Тюркский эль, тогда я его погубил». Падение Тюркских каганатов: факторы и механизмы. – Вестник Кемеровского государственного университета. 2014, №3 (59). Т.2. – С.61-65.
6. Васютин С.А. Уйгурский каганат – цивилизационная альтернатива пасторальным империям Центральной Азии I тыс н.э. // Вестник ТГПУ. 2011, №11(113). – С.28-34.
7. Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – Санкт-Петербург: Филологический факультет СПбГУ, 2003. – 560 с.
8. Латипов Ж. Хитанлар: давлатчилик сари йўл (монография). – Тошкент: Наврўз, 2019. – 92 б.
9. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1959. – 112 с.
10. Малявин В.В. Китайская цивилизация. – Москва: «Издательство Апрель», «Издательство АСТ», Издательско-продюсерский центр «Дизайн. Информация. Картография», 2000. – 632 с: ил., карт.
11. Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Сўғдий Анъ Лу-шань: Хитойдаги харбий саркарда. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2015. – 76 б.